

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1446-ҳадис**

1446 - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «فَأَمَّا الرُّكُوعُ
فَعَظِّمُوا فِيهِ الرَّبَّ عَزَّ وَجَلَّ، وَأَمَّا السُّجُودُ فَاَجْتَهِدُوا فِي الدُّعَاءِ، فَقَمِنْ أَنْ يُسْتَجَابَ لَكُمْ». رَوَاهُ
مُسْلِمٌ [479].

1446. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аммо рукуъда Робб азза ва жаллани улуғлайверинглар. Саждада эса дуога зўр беринглар, чунки мана шу (дуоингиз) ижобат қилинишга яқиндир».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагича эди:

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Одамлар Абу Бакрнинг орқасида саф туришган эди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам пардани очиб, шундай дедилар: «Эй одамлар! Нубувват башоратларидан мусулмон киши ўзи кўрадиган ёки у ҳақда кўриладиган солиҳ тушдан бошқа нарса қолмади. Огоҳ бўлинглар! Мен рукуъ ва саждада Қуръон ўқишдан қайтарилдим. Аммо рукуъда Робб азза ва жаллани улуғлайверинглар. Саждада эса дуога зўр беринглар, чунки мана шу (дуоингиз) ижобат қилинишга яқиндир» (Имом Муслим ривояти).



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI